

## ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МУСИҚАЛИ ТЕАТР АКТЁРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ДОСТОН АСАРЛАРИНИНГ ЎРНИ

Нурилло Эминов

ЎзДСМИ “Вокал” кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6551157>

**Аннотация.** Мазкур мақола ўзбек мусиқали театр актёрининг шаклланишида ва уларни маънавий етук мутахассис бўлиб камол топишида миллий достон асарларининг ўрни нечоғли аҳамиятли экани ҳақида фикр юритилади.

**Калим сўзлар:** актёр, қисса, достон, афсона, эртак, ария, опера, бахши, романс.

## РОЛЬ НАРОДНЫХ ЭПОСОВ В ВОСПИТАНИИ АКТЕРА УЗБЕКСКОГО МУЗЫКАЛЬНОГО ТЕАТРА

**Аннотация.** В данной статье рассматривается роль национальных эпосов в становлении актеров узбекского музыкального театра, их становлении как духовно зрелых профессионалов.

**Ключевые слова:** бахши, рассказ, дастан (эпос), миф, сказка, ария, актёр, опера, романс.

## THE ROLE OF FOLK EPOS IN THE EDUCATION OF THE ACTOR OF THE UZBEK MUSICAL THEATER

**Annotation.** This article discusses the role of national epics in the formation of Uzbek musical theater actors, their development as spiritually mature professionals.

**Keywords:** baxshi singer, story, dastan (epos), myth, fairy tale, aria, actor, opera, novel.

**Кириш.** Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва ривожланиш сиёсатининг стратегик мақсади мустаҳкам маънавий-ахлоқий кадрятлар негизида янги жамият барпо этишдир. Мусиқий маданиятни ривожлантириш, шу жумладан, ёшларнинг мусиқий тафаккурини шакллантиришда миллий мусиқа маданиятимиз билан бир қаторда, жаҳон мусиқа санъати намуналарининг ўрни ва роли ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини оширишда, демократик тамойилларни қарор топоиришда ҳамда ижтимоий-сиёсий жараёнларни бошқаришда муҳим омиллардан бирига айланиб бормоқда.

Ёшларда юксак фазилатларни шакллантиришда, шунингдек, уларнинг маънавий дунёқарабини кенгайтиришда мусиқий тафаккурнинг ўрни ва роли муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистоннинг миллий тараққиётида маънавиятнинг устиворлигига таянувчи ижтимоий-фалсафий концепция жамият ривожланишида мусиқий маданият ва вокал хонандалик санъатининг ўзига хос ўрнини белгилаб беради[1:140].

Мусиқий маданият шахс камолотининг барча босқичларида унга фалсафий, ахлоқий, эстетик ғояларни сингдиришда, юксак инсонпарварлик туйғуларини шакллантиришда, шунингдек, мусиқий тафаккурни шакллантиришда муҳим руҳий-эмоционал омил бўлиб хизмат қилади.

Халқнинг кадрятлари, маънавий салоҳияти, маданият даражаси, тафаккур олами, фикр-ўйи, орзу-умидлари борасида маълумот берувчи манба, қимматли ёдгорлик бу – эпос. Ҳар бир миллатнинг кимлиги, ўтмиши, бугуни ва эртасидан кутилаётган келажак орзулари айни шу эпос қаҳрамонлари руҳиятида акс этади.

**Тадқиқот материаллари ва услублари.** Халқ дostonлари ўзбек миллатининг юксак маънавиятини акс эттирувчи улкан кўзгусидир. Авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиб келаётган мазкур асарлар қай бир маънода ўсиб келаётган келажак эгалари учун тарбия мактаби вазифасини ўтайди. Ватан озодлиги, миллий ғурур, муҳаббат, садоқат, чин йигит фарзи, мардонавор аёл руҳияти, ғурури, мардлиги, ор-номуси, сабр-тоқати каби туйғулар жаранги дoston асарлари қадрини оширадиган хусусиятларидир. Мазкур дostonларга бўлган ҳурмат бу ўзликка, ўтмишга бўлган ҳурмат билан ўлчанади.

Зеро, бахшилар томонидан ижро этилиб келаётган минг йиллик ўтмишимиздан ҳикоя қилувчи дostonларда, ҳаёт-мамот синовларидан омон чиқиб, ўзлигини йўқотмаган халқимизнинг бағрикенглик, матонат, олийжаноблик каби эзгу фазилатлари ўз ифодасини топган.

Буюк педагог режиссёр Георгий Александрович Товстонагов ўзининг дарс жараёнида шогирдларига “Бугунни классикада қидириш керак. Бадиий асарда бугуннинг ҳароратини кўра билиш лозим. Театр даврни, замонни тинглаши керак. Фақат классикада барча законларга ечим топасиз, янги-янги авлодларга янги руҳий озуқа топа оласиз. Театр буни қидириши, топиши ва кашф қилиши керак...” дея таъкидлаб ўтади [2.26]

**Натижалар.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 31 майдаги “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва бир қатор долзарб вазифалар ижро учун қабул қилинди.

- маданият ва санъат муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва самарадорлигини ошириш борасидаги қонунчиликни такомиллаштириш. Жумладан, музейлар ва театрлар фаолиятини такомиллаштириш ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш. Моддий маданий мерос ва археология объектларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш механизмларини янада такомиллаштириш;

- маданият ва санъат йўналишидаги таълим муассасаларининг малакали кадрлар ва мутахассисларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, бу борада кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, замонавий илғор тажрибалардан фойдаланиш, дунёнинг машҳур муסיқачилари, бастакорлари иштирокида ижодий учрашувлар, маҳорат дарслари ташкил этиш, маданият ва санъат йўналишидаги таълим муассасаларини ўқув дастурлари ва ноталар, ўқув қўлланма ва дарсликлар, илмий-методик адабиётлар билан таъминлаш[3] каби муҳим чора тадбирлар Дастури ишлаб чиқилди ва амалиётда ўз ижросини топди.

Қарийб бир асрлик тарихга эга театр санъатида “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Равшан ва Зулҳумор”, “Тоҳир ва Зухра”, “Алпомиш” каби кўплаб дostonлар асосида ишланган спектакллар сахна юзини кўриб келган. Аммо, ҳозирги кунда бундай спектакллар театрлар репертуаридан тушиб қолаётгани ачинарли ҳол. Ушбу асарлар театрда фаолият юритаётган ёш актёрларни ижро маҳоратини шакллантиришда катта мактаб ва томошабинлар учун улкан маънавий озиқа бўлиб хизмат қилади.

Шу ўринда театр тарихига бир назар ташласак. Санъатшунослик фанлари доктори, профессор Тошпўлат Турсунов “Тўхтасин Жалилов ва Муқумий театри” деб номланган мақоласида [4.8-9]. “Тоҳир ва Зухра” янги туғилган театрнинг қиёфаси, қадри ва қийматини белгилайдиган асар бўлди. Муқумий номли театр деганда, томошабин кўз ўнгида “Тоҳир ва Зухра” жонланарди. Шаҳодат Раҳимова, Эътибор Жалилова, Фароғат Раҳимова, Турсунхон Жаъфароваларни Зухра, Машрабжон Юнусов, Маҳмуджон Ғофуровни Тоҳир қилиб элга танитди. Ўз навбатида ижрочилар асар довуғи ва халққа таъсир кучини кўкка кўтардилар. Бу довуғ кино мутахассисларининг ҳам ҳавасини орттирди. Қисқа вақт ичида “Тоҳир ва Зухра” сахнадан экранга ҳам кўчди. С. Абдулла асари, Т. Жалилов ва Г.Шперлинг мусиқаси асосида яратилган “Тоҳир ва Зухра” театрнинг бир умрлик репертуаридан тушмайдиган спектакли бўлди. Ундаги қатор куй ва кўшиқлар томошабин қалбига чуқур ўрнашди, “Тўйлар муборак” эса келин ва куёвларнинг мадҳиясига айланиб қолди.

Худди шундай эл назарида, томошабинлар қалбидан чуқур жой эгаллаган, ария, дуэтлар, ҳаттоки сўзларигача ёд бўлиб кетган ва бугунги кунга қадар театр шинавандаларининг хотирасида бир умрга муҳрланиб қолган С.Абдулла ва Т.Жалиловларнинг “Алпомиш”, “Равшан ва Зулхумор”, “Гул ва Наврўз” каби халқ достонлари асосида яратилган машҳур спектакллар ҳали ҳамон муҳлислар қалбини ўзига жалб этиб келмоқда.

Масалан, “Тоҳир ва Зухра”, “Алпомиш”, “Фарход ва Ширин”, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Гул ва Наврўз” “Ошиқ Ғариб”, “Лайли ва Мажнун” каби зуволаси пишиқ асарлар асосидаги спектакллар театр репертуарига, ўқув тизимига тадбиқ этилса кўзлаган мақсадга эришган бўларди. Зеро, ушбу асарларда юрт ишки, ёр васфи, адолат ва ҳурлик тантанаси, халқнинг маънавий қиёфаси, ахлоқий эстетик тарбияси, адолат ва ҳаққоният, озодлик ва тенглик, қаҳрамонлик ва ватанпарварлик ҳақидаги орзу-ўйлари билан чамбарчас боғлиқ. Ёшларимиз ўз халқининг тарихи, маданияти, адабиёти, халқ оғзаки ижодиёти, удум ва урф-одатларини чуқур таҳлил қила оладиган, улардан ўз ўрнида моҳирона фойдаланадиган етук мутахассис бўлиб етишади. Зеро, талабаларни зуволаси пишиқ бўлган юксак бадиий асарларда тарбиялаш даркор.

**Муҳокама.** Шу боис талаба ёшларнинг мусиқий тафаккурини шакллантиришда касбийи мусиқа меросимизни театр санъати воситасида ўрни ва ролини жамиятнинг маънавий янгиланишида ва тараққиётининг барча соҳаларида юз бераётган ислохотларни уйғун ҳолда таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Бу ўз навбатида, талаба ёшларнинг мусиқий тафаккурини шакллантириш масаласи маънавий тараққиётнинг таркибий қисми сифатида махсус тадқиқ этиш заруриятини келтириб чиқаради.

Учинчи минг йиллик аллақачон ўсиб бормоқда, ривожланмоқда, ғамхўрликни талаб қилмоқда.[5.81] Психолог В.Левининг бу ҳаяжонли сўзлари замонавий таълимнинг бутун мураккаб ва кўп қиррали тизимининг умумий маъноси ва ғоясини акс эттиради. Учинчи минг йилликнинг яқунланган авлодини қандай кўришни истаймиз, деган саволга аниқ жавоб йўқ, чунки келажакдаги жараёнларга аниқ ташхис чиқариш ва ҳозирги ўсиб камол топаётган ёшларга хос бўлган шароит ва вазиятларни олдиндан кўриш мумкин эмас.

Ҳозир энг асосийси келажак авлодни шакллантириш учун мустаҳкам пойдевор кўйишдир. Учинчи минг йиллик одамани, аввало, ижодий интилувчан, руҳий қадриятлар дунёсини илҳомлантирадиган, ўзининг мустақил дунёқарашига эга ижодкор шахс сифатида кўришни истаймиз.

Бу жихатдан мусиқий театр ўзига хос, доимий қадрият-маънавий маданият ҳодисаси бўлиб, ўзига кўплаб санъат турларининг ютуқларини синтез қилади ва шу сабабли фикрлар, ҳиссиётлар маданиятини тарбиялаш, шакллантириш ва такомиллаштиришга қодирдир.

Мусиқий театр ақлни тарбиялаш, билим ва кўникмаларни ўргатишдан кўра том маънода энг муҳим педагогик муаммони ҳал этади. Ушбу билим ва кўникмаларни қандай сингдириши, инсоннинг атрофдаги одамларга ва уни қуршаб турган дунёга бўлган ҳиссий муносабатига боғлиқ. “Санъат томонидан тарбияланган одам – яратувчи, таълим эса универсалдир. Санъат - нафақат инсоннинг онги, балки иродасини ҳам акс эттиради”[6,40]. Шу сабабли ушбу тадқиқот марказида ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда мусиқий театрнинг ролини аниқлаш муаммоси туради. Руҳан ривожланган катталарни характерлайдиган ва уни эзгу, ижтимоий аҳамиятга эга ишларга ундашга қодир ахлоқий эстетик муносабат болага туғма қобилият сифатида берилмайди. Улар ҳаёт ва тарбиянинг ижтимоий шароитлари таъсири остида шаклланади ва ривож топади.

Шу билан бирга, мусиқий театр воситасидаги таълим ва санъатнинг умумий жараёнининг энг муҳим таркибий қисми эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Унинг ўзига хослигини инсоннинг онги ва иродасига, ахлоқий ва ҳиссий ривожланишига комплекс таъсир ўтказиш қудратига эга. Сабаби, театрда воқеалик жонли сахнада содир бўлади ва жонли равишда рўй бераётган кўз ўнгимиздаги воқеалик ҳеч бир инсонни бефарқ қолдиrolмайди. Мусиқий театр ўсиб бораётган ўспириннинг ҳаётий дунёқарашини ва концептуал жараёнлар, унинг ижтимоий-психологик параметрларини, бутун ҳаётнинг маълум менталитети ва эстетикасини шакллантиради.

Талаба ёшлар шахсий ривожланишининг асосий факторларидан бири бу ўз онгу ва шуурини юқори даражада сезмоқ, англамоқда ўз аксини топади. Буларнинг барчаси бадиий адабиётларнинг ўқишда, мусиқий асарларни тинглашда, театр ва кино орқали билимларни томоша қилишда ўз натижаларини кўрсатади. Лекин, барча таълим муассасаларида ҳам мусиқий тарбия воситалари билан ёшларнинг онгини ва шуурини юқори савияда тарбияланган деб тўла таасурога эга бўлиш мушқил. Афсуски юқори босқич талабаларининг баъзи бирларида умумий тушунча ҳам етарли даражада деб бўлмайди. Улар ўзлари билан бир қаторда бошқа халқлар ва элатларнинг санъати ва тарихидан кам хабардорлар. Бир қанча таълим муассасаларида миллий мусиқа санъатимизнинг, эстетик ва сиёсий – ғоявий тарбиямизнинг, ватанпарварлик ва айниқса байналминаллик тарбиянинг тўлақонли эмаслиги сезилиб туради. Аксинча баъзиларида сўровномалар натижаси ва педагогларнинг кузатишлари шу нарса аниқ бўладиким, педагогларнинг мазмунли ва сифатли дарс беришлари орқали мактаб ўқувчилари ана шу йўналишларда тўғри ва қўлақонли тарбияга эга бўлганлар.

**Хулоса** қилиб айтганда охириги йиллар давомидаги ижодий меҳнатлар шундан далолат берадики, ўзбек театр санъати ривожини келажак сари катта қадам ташлаган. Мавзу

кенгайди, жанрлар доираси бойиди ва ёш авлодни мусикий қобилиятларини, ҳамда мусикий маданиятини кенгайтиришда муҳим вазифаларни бажарилмоқда.

Бинобарин, ҳар бир ёш авлод мана шу каби эзгу фазилатлар билан сўғорилиб вояга етса мақсадга мувофиқ бўлади. Театрнинг вазифаси ҳам томошабинларда маърифатпарварлик руҳини кучайтириш, маънавий озуқа беришдан иборат.

Юқоридаги асослашга ҳарақат қилган фикрларимизга қуйидаги тавсияларимиз билан яқун ясаймиз.

Мусикий театр санъати йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларга сабоқ берувчи вокал педагогларидан соҳага хос бўлган яна бир жиҳатга эътибор қаратиш талаб этилади. Айнан вокал дарсларида талабаларни фақатгина опера, романс ёки ариялар билан чекламай балки, уларга бахшилар томонидан ижро этиладиган термалар, айтишувлар куй-қўшиқларни ҳамда дoston номаларини актёрлик маҳоратига тадбиқ этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Зеро, вокал дарсларида талабаларга дoston номалари, ашулаларидан ўргатиш бугунги куннинг долзарб ватанпарварлик ғоялари илгари сурилаётган муаммоларидан биридир.

#### *Фойдаланилган адабиётлар*

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017., 140 бет.
2. М. Муҳамедов. Товстоногов мактаби сабоқлари. Театр журнаи, Т.2009 й. 3 сон.
3. <https://president.uz/uz/lists/view/584> Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори
4. Т. Турсунов. Тўхтасин Жалилов ва Муқумий театри.:Театр журнаи, 2009 й. 9-сон.
5. Азизов Т. Анъана ва ижодий изланишлар. Театр журнаи. 2003. 2-сон.
6. Раҳматуллаева Д. XX аср ўзбек драматургияси ва театр санъатида тарихий драма (шаклланиш ва ривожланиш муаммолари) 17.00.01 Сан. докт. дисс. автореф. – Т.: 2004. – Б. 49
7. Курбонова, Б. М. (2016). Роль перспективы в создании образца изобразительного искусства. *Учёный XXI века*, (7 (20)), 29-31.
8. Akhadjonovich, K. A. THE CLASSIFICATION, CONTENT, ESSENCE AND FUNCTION OF VALUES.
9. Madina Nasritdinova, Mansurova Nigora, & Durdona Murodova. (2022). UZBEK FOLK ART AND ITS PLACE IN PUBLIC LIFE. *Archive of Conferences*, 44-48. Retrieved from <https://www.conferencepublication.com/index.php/aoc/article/view/1888>
10. Madina Nasretidinova, Ismoil Rustamov, & Oybek Karimov (2022). MUSIQA SAN'ATINING HOZIRGI KUNDAGI O'RNI. *Scientific progress*, 3 (2), 841-845.
11. Qurbonova, B. (2017). FINE ARTS ROLE IN DEVELOPMENT SPIRITUAL MIROVOZRENIYA PERSONS. *УЧЕНЫЙ XXI ВЕКА*, (2-3), 50.
12. Kakharovna, A. M., Tadjimatovich, Y. M., Rakhmatovich, S. O., & Mirzahamdamovna, Q. B. (2021). Modern Approaches to the Teaching of Fine Arts. *Solid State Technology*, 64(2), 4250-4254.

13. Nasritdinova, M. (2021). PEDAGOGICAL COMPONENTS AND STAGES OF HEALTH OF DEVELOP CHILDREN THROUGH MUSIC EDUCATION. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(05), 251-258.
14. Mannopov, S., Karimov, A., Qurbonova, B., & Dilobar, J. (2022, February). THE EMERGENCE AND DEVELOPMENT OF MUSIC. In *Archive of Conferences* (pp. 49-52).
15. Курбонова, Б. (2017). РОЛЬ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА В РАЗВИТИИ ДУХОВНОГО МИРОВОЗРЕНИЯ ЛИЧНОСТИ. *Ученый XXI века*, 48.